

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ
ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗГОРИИ
ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**



**ПАЁМИ ДОНИШКАДА
ТАФАККУРИ ТАЪРИХ
АНВОРИ ИЛМ**

**ВЕСТНИК ИНСТИТУТА
ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ
СВЕТОЧ НАУКИ**

**BULLETIN OF THE INSTITUTE
KNOWLEDGE OF HISTORY
LIGHT OF SCIENCE**

Нашри махсус/Специальное издание/Special edition

Панчакент-2023

[https:// Dotpanj.tj](https://dotpanj.tj)

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ
ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ
ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАВОДИ

Анҷумани илмӣ-амалии байналмиллалии “Ҳонишҳои V – уми Артуҷ”
бахшида ба “Масоили мубрами илмҳои педагогӣ, иҷтимоӣ-гуманитарӣ ва
фанҳои дақиқ дар замони муосир”, 4-6 июли соли 2023 дар Донишкадаи
омузгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

МАТЕРИАЛЫ

Научно-практической международной конференции “V – e Artuchevskie
чтения”, посвященной «Актуальным вопросам филологических, социально-
гуманитарных и естественных наук в современное время», 4-6 июля 2023
года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент

MATERIALS

Scientific and practical international conference “IV - s Artuchs Readings”,
dedicated to “Actual Issues of Philological, Social, Humanitarian and Natural
Sciences in modern times”, July 4-6, 2023 at the Tajik Pedagogical Institute in the
city of Penjikent

Панҷакент - 2023

ва ислохи” номли 44-сонда босилган йирик мақолада минтақада ҳар йили 250-300 минг пуд ипак толаси етиштирилиши ва ундан келадиган даромад 4-5 млн рублни ташкил қилиши, ипакка асосий харидор мамлакатлар Италия, Франция ва Россия эканлиги ҳақида маълумот берилган. Мақолада, ипак куртининг уруғи асосан Хитой ва Қошғардан келтирилиши, масофанинг узоклиги сабабли личинкалар касалланиши, ипакчилик тараққиётини кўтариш учун ҳукумат ғамхўрлиги биринчи омил, иккинчидан эса, хориждан касал ипак уруғини сотиб олмасликни кучайтириш, ипакчилик жамиятини мавқеини кўтариш каби тақлифлар берилган¹²¹. Бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари Россия империяси маъмурлари учун ҳам муҳим бўлиб ҳисобланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бухоро амирлиги ҳудудида ипак маҳсулотларини етиштириш қадимдан ривож топган соҳалардан бири бўлган. Россия истилоси даврида ипакчиликни ривожлантиришга ҳаракат қилинган ва Россиянинг Хитой, Япония каби давлатлардан экспорт қарамлигини камайитишга ўлкамиздан ташиб кетилган ипак маҳсулотларнинг ўрни беқиёс бўлиб ҳисобланади.

Очилов Алишер Тўлис ўғли
Бухоро давлат университети доценти, Самарқанд археология институти кичик
илмий ходими, т.ф.ф.д. (PhD)
Аббосов Аббосали Зарифович
Бухоро давлат университети магистранти

БУХОРО ВОҲАСИНИНГ АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИНИ
АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ
(XX асрнинг 30-40 йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар
мисолида)

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг 30-40 йилларида А.Ю.Якубовский ва В.А.Шишкинларнинг Бухоро воҳаси ҳудудида антик ва ўрта асрлар даврини ўрганиш учун олиб борган археологик тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, моддий маданият, антик давр, илк ўрта асрлар, археологик тадқиқотлар, Кампирак девори, Варахша.

Аннотация. В данной статье анализируются археологические исследования, проведенные А.Ю.Якубовским и В.А.Шишкиным в 30-40-х годах XX века по изучению древнего и средневекового периода в Бухарском оазисе.

Ключевые слова: Бухарский оазис, материальная культура, древность, раннее средневековье, археологические исследования, Кампиракская стена, Варахша.

Annotation. This article analyzes the archaeological research conducted by A.Yu.Yakubovsky and V.A.Shishkin in the 30-40s of the 20th century to study the ancient and medieval period in the Bukhara oasis.

Key words: Bukhara oasis, material culture, antiquity, early Middle Ages, archaeological research, Kampirak wall, Varakhsha.

КИРИШ.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси бу ерлик аҳолининг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради. Бу

¹²¹ Туркистонда ипакчилик ва ислохи // Турон, 44-сон, 1912 йил, 19 декабр.

ер ўз даврида илм-фан, маърифат ва маданият марказларидан бирига айланиб, шаҳарда диний ва дунёвий илмлар ривож топган. Асрлар давомида Бухоронинг донғи Туркистоннинг йирик маъмурий маркази сифатида ҳам таралиб келган. Бухоро ўтмиши гарчи тарихий ва тадрижий воқеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлсада, аммо унинг зарваракларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса, воҳанинг узок ўтмиши, қадимги давр маданияти, антик ва илк ўрта асрлар тарихи ҳақидаги аниқ маълумотни ёзма манбалардан билиб олишимиз имконсиз. Шу сабабли, Бухоронинг қадимги даврлардаги тарихини аниқ ва равшан ёритишда археологик тадқиқот ишлари жуда муҳим аҳамият касб этади. Воҳада археологик изланишлар Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кечроқ бошланган бўлсада, тадқиқотлар 120 йилдан ортиқ тарихга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Ўзбекистон маданияти антик даврлардан бошлаб юксак даражага кўтарилганлиги сабабли[1], XX асрнинг 30-40 йилларида Марказий қасаба уюшмаси, СССР Фанлар академияси, Моддий маданият тарихи институти (собик ГАИМК), Шарқ маданиятлари музейи, Давлат Эрмитаж музейи каби ташкилотларнинг Ўзбекистон моддий маданиятини ўрганишда бевосита иштироки ва ташкилотчилик ёрдами тобора кучайиб борди[2].

XX асрнинг 30-40 йилларида Бухоро воҳаси ҳудудида антик ва ўрта асрлар даврини ўрганиш учун турли хил ёдгорликларни ўз ичига олган соф археологик қазиш ишлари ривожлана бошланди.

Бухоро воҳасидаги биринчи жиддий археологик ишлар, А.Ю.Якубовский раҳбарлигида Россиянинг Эрмитаж музейи ва Узкомстарис ташкилотлари томонидан 1934 йилда амалга оширилди. Россия (Санкт-Петербург)лик олим А.Ю.Якубовский Бухорода археологик экспедиция уюштириб, воҳанинг шимолий-шарқий қисмларида жойлашган мудофаа истехкомларини текширган. Экспедиция Бухородан Самарқандгача борадиган карвон йўли бўйлаб юришни мўлжаллаган эди. Фаолияти давомида Бухоро воҳасининг шимоли - шарқий қисми чеккалари текширилди. Қизилтепа, Шохшоҳидон, Абумуслим, Бўрихона, Ганчхона, Ҳазора ва Денгак сингари Кампирдевол бўйлаб бунёд қилинган ёдгорликлар ўрганилди. Қизилтепа ҳудудида илк маротаба қишлоқ маконларини тафтиш қиладилар. Бу ҳудудда жойлашган кўхна шаҳар, қалъа, кўрғон, карвонсаройлар ўрни - Ганчтепа, Элмирзатепа, Абу Муслимтепа, Шаҳри Вайрон, Қизилтепа, Оқсочтепа, Лавандоқтепа каби ёдгорликлар мисолида ўрганадилар[3]. Уларнинг режаси, қурилиш тартиби аниқланиб, қоғозга туширилди, олиб борган тадқиқотларнинг ҳисоботи эса 1940 йилда чоп этилган[4].

А.Ю.Якубовский экспедицияси тўғрисидаги ҳисоботида Кампирак девори билан боғлиқ муҳим тарихий муаммоларга ҳам тўхталган. Жумладан, воҳадаги ўтрок халқ билан дашт ва чўл минтақасида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасидаги муносабатлар масаласига ҳам тўхталган эди. Якубовский текширган бу ёдгорликлар анча юзаки кўздан кечириб чиқиш тартибида, бирор археологик қазишларсиз амалга оширилган. Экспедиция ишидаги ютуқлардан бири Ҳазора яқинидаги археологик ёдгорлик Деггарон масжидини аниқлаб, уни Самоний мақбарасидан ёш эмас, деган хулосалар берилди[5]. А.Ю.Якубовский олиб борган тадқиқотларнинг ҳисоботини 1940 йилда чоп этди[6].

Воҳада А.Ю.Якубовский билан бир даврда В.А.Шишкин ҳам ўз археологик тадқиқотларини олиб борган. В.А.Шишкин Бухородаги илк тадқиқотларини 1934-йилда Кампирак деворини археологик тадқиқ қилишдан бошлайди. Бунда у бутун Бухоро воҳасининг атрофини айланиб чиқишга ҳаракат қилди. Воҳанинг жанубий ва шарқий қисмидаги девор қолдиқларини илмий ўрганилади. Йўл-йўлакай Оқсоч, Хожа Ажуванди, Қўйитепа каби ёдгорликлар ҳам кўздан кечирилди. Тадқиқотлар

давомида Қуйимозор қабристонини, воҳанинг Шимолий ва ғарбидаги Вардонзе, Зандана, Варахша сингари девор яқинида юзага келган ёдгорликлар аниқланди[7]. Бу тадқиқотлар Бухоро воҳаси тарихи бўйича жуда кўплаб маълумотларни берсада, тадқиқотларнинг барчаси Бухоронинг шаҳар атрофларидаги тадқиқотлар бўлиб, ҳали Бухоронинг шаҳар қисмида археологик тадқиқотлар бўлмаган эди[8].

Кейинчалик В.А.Шишкинни эски ирригация соҳаси ривожланган Бухоронинг ғарбий ҳудудларига мажбуран юборилади. Аслида, бу ҳудудда энг катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлган археологик ёдгорликлар жойлашган эди.

Бухоро воҳасининг ғарбий томонидаги деярли ҳамма ерлар қадимги даврларда тўлиқ ўзлаштирилган ерлар бўлиб, фақат кейинги даврларда Зарафшон дарёсидаги сувни юқори оқимлардаёқ тақсимланиб ишлатилиши натижасида дарёнинг куйи оқимлари кум барханларининг остида қолиб кетди. Бу ҳудудларда изланишлар олиб борган В.А.Шишкин ҳудудни учта қисмга – жанубий, ўрта ва шимолий қисмларга бўлади, аммо бу бўлинган ҳудудлар бир-бирлари билан турли суғориш тизимлари орқали боғланган эканлигини аниқланган[9]. У асосан бу ҳудудда жойлашган антик давр ва ўрта асрларга оид ёдгорликларни ўрганди.

В.А.Шишкин 1937 йилдан Варахша археологик ёдгорлигини ўрганишни бошлади. У дастлаб Варахшадаги хоналарнинг шаклига ва улар қанча баландликка жойлашганлигига эътибор қаратади. Бу қазилар истиқболли эканлигини Шишкин тушунади ва бу ҳудудни комплект жой деб эътиборга олади. Варахшадаги хоналарнинг бирини қазилар давомида аниқланишича, безак парчаларидан ва турли хилдаги шаклли чирой бағишлайдиган безаклар билан хона деворлари сувалган эди. Бу хусусият сосонийлар даври услубига мансуб деб эътироф этилган. Варахша Суғдиёнадаги жуда кўркам ва ҳашаматли бино, археологик ёдгорлик ҳисобланиб археологик нуқта-и назардан чуқур тадқиқ қилинади[10].

1937 йилдан бошлаб В. А. Шишкин Бухоро воҳасида экспедиция ишларини олиб бориб, биринчи навбатда воҳанинг ғарбида жойлашган қадимий суғориш майдонини, хусусан Варахша ёдгорлигини ўрганади. Ушбу тадқиқот натижаларининг аксарияти В.А.Шишкиннинг босма нашрларида ўз аксини топди ва унга муносиб шон-шараф келтиради. В.А.Шишкин бошчилигида Варахшада олиб борилган қазилар ишлари давомида топилган қадимий тасвирий санъатнинг ажойиб намуналари жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини жалб қилган[11].

Бухоро воҳаси бўйлаб тарқалган кўп сонли тепалик ва археологик ёдгорликлар орасида Варахша катта қизиқиш уйғотади. Нисбатан кичкина шаҳар (майдони тахминан 9-10 гектар) ўз даврида ҳукмдорларнинг (бухорхудотлар) маркази бўлиб, ҳозирги пайтда жонсиз, сувсиз ва қумли саҳронинг бир қисмига айланган. 1937 йилда В.А.Шишкин томонидан ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ҳудуд чўл минтақаси тахминан 500 квадрат метр майдонни ўз ичига олади. Ҳудуддан бир неча ўнлаб катта ва кичик тепаликлар, мустаҳкам аҳоли манзилгоҳлари, кўп сонли турли хил шаклларга эга йўналишлар, суғориш тизимларининг қолдиқлари топиб ўрганилган.

1937 йилда В. А. Шишкин Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида сақланган археологик материалнинг табиати билан ажралиб турадиган 7 та кичик тепа ўрганилади. 1937, 1938 ва 1939 йилларда Варахша ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида қўйилган биринчи вазифалардан бири бу шаҳарнинг маданий қатламлари кетма-кетлигини аниқлашга уриниш бўлган. Бунинг учун Варахша ёдгорлигининг марказида шурф туширилган ва материкгача етказилган. Қатламларнинг умумий чуқурлиги деярли 10 метрни ташкил этган, бу эса ёдгорликни қадимги эканлигидан далолат беради. Шурфнинг 6-8 м чуқурликдаги тўртта маданий қатламлардан олинган материаллар Кушон подшолиги даври билан белгиланган.

Шу билан бирга, Варахшанинг жануб томонда жойлашган кичкина қалъа минорасининг ғарбий томонида қазииш ишлари олиб борилади. Бу ерда қазииш ишлари бошланишидан олдин турар-жойнинг жанубий чеккасига етиб борган бир қатор қияли тепаликлар ўрганилган. Шамол ва қум билан текисланган бу тепаликларда, ғиштдан қилинган қалин деворлар ва бир нечта катта ва кичик хоналар қузатилган.

В.А.Шишкин 1937 йилда олиб борган археологик қидирув ишлари натижасида Варахшада Бухоро воҳасини арабларгача бошқарган Бухорхудотлар сулоласига тегишли саройнинг қолдиқлари деган хулосага келади. 1938 ва 1939 йилларда олиб борилган ишлар В.А.Шишкиннинг тахминини тўлиқ тасдиқлайди. Кўп хонали катта бино (шаҳарнинг энг катта изи бўлиши мумкин бўлган ягона катта бино) деворий суратлар ва ганч ўймакорлиги намуналари билан безатилган эди[12]. Варахша Қизил залдаги расмларда Қора кучлар билан кураш, ов манзаралари, чавандоз филда ўтириб, йиртқич шер, гепард ҳамласини қайтараётган суратлари машҳур бўлса. Шарқий залдаги кўп сюжетли расмлардан асосий сахнада ок кийимда, қилич осган ҳолда тахтга ўтирган подшо тасвирлари диққатга сазовордир.

Айни шу даврда, яъни 1939-1940 йилларда воҳанинг ғарбий минтақасидаги Пойкент шаҳрида ҳам археологик тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширилди. Сабаби, В.А.Шишкин бу ерда шу давргача бўлган тадқиқотларни унчалик ҳам мукамал деб ҳисобламайди[13].

1939 йилда В.А.Шишкин раҳбарлигидаги Зарафшон археологик экспедицияси Пойкентда ўз тадқиқотларини бошлайди. В.А.Шишкин ва экспедиция иштирокчиси М.М.Дьяконов биринчи ишни аҳоли манзилгоҳини режасини тузишдан бошлашади. Режада Арк, ички ва ташқи шаҳристон, работ қисми, мудофаа деворлари ва буржларнинг жойлашган ўрнига жой олади.

Пойкент шаҳарчасида шу йили Россиянинг Эрмитаж музейининг илмий ходими А.Ю. Якубовский ҳам археологик тадқиқотларни амалга оширади. А.Ю.Якубовский Пойкентни тузилишига қараб уч қисмга бўлади. Шаҳарнинг бир нечта жойида шурф ташланади[14].

1939 йилдаги экспедициянинг асосий вазифаси: 1) Пайкентда катта қазииш ишларини тайёрлаш учун яна археологик қидирув ишларини олиб бориш, чунки бу аҳоли пункти қадимги даврлардан XII асргача мавжуд бўлган шаҳарнинг тарихи учун катта қизиқиш уйғотган. 2) Қирнинг устида жойлашган 20 гектар майдонни эгаллаган қадимги замонларда кучли девор билан ўралган шаҳарнинг қадимий ва марказий қисмини ўрганиш. 3) Шаҳристоннинг шимоли-шарқий қисмида сақланиб қолган кухендиз (қалъа) қолдиқларини ўрганиш. Шаҳристоннинг жануби-ғарбдан шимоли-ғарбга чўзилган девори қолдиқларини ўрганишдан иборат бўлган[15].

Кейинги йили яъни 1940 йилда Давлат Эрмитажи ходими В.Н.Кесаев раҳбарлиги остида Н.П.Кипарисовой ва С.К.Кабановлар иштирокида Пойкентда тадқиқотлар давом этди[16]. В.Н.Кесаев тахмин қилганидек шаҳар марказида исломгача бўлган даврга таалуқли ибодатхонани топилди. Аммо ишлар бинони битта деворини очиш билан чегараланди. Тадқиқотчилар Шаҳар атрофи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни бериб, Пойкентнинг шарқидаги Бадиосиё манзилгоҳига тўхталиб ўтганлар. Тадқиқотчилар археологик тадқиқотлари натижасида йиғилган маълумотлар асосида Пойкент сополлари, идишларнинг қопқоғидаги расмлар[17] ва акуариус ўйинчоқлари[18] ҳақида бир қанча мақолалар тайёрлашди.

Бу тадқиқотлар натижасида Пойкент шаҳрининг топографик харитасини яратилди. Харитада шаҳар уч қисмдан иборат еканлиги кўрсатилган. Булар: Арк қисми-майдони 1га, Шаҳристон I қисми-майдони 13га, Шаҳристон II қисми- майдони 7га[19].

Иккинчи жаҳон уруши туфайли воҳада қазишма ишлари вақтинча тўхтади. Урушдан кейинги йилларда Бухоро воҳасидаги археологик изланишлари воҳанинг Варахша массивига кўчди. В.А.Шишкиннинг Варахшада 1947 йилда бошланган археологик тадқиқотлари[20] узлуксиз 6 йил давом этди[21]. Варахшадаги тадқиқот ишлари Ўрта Осиёдаги замонасининг бошқа ёдгорликларидан ажралиб турган эди. В.А.Шишкиннинг Варахшадаги қазишма ишларида Ўрта Осиёдаги машҳур археолог олим Лазар Албаум, Наталиа Диканова, архитектор В.А. Нилсон ва санъатшунос тарихчи олим В.А.Мешкерис каби олимлар ҳам иштирок этишди.

ХУЛОСА

XX асрнинг 30-40 йилларида А.Ю.Якубовский, В.А.Шишкин ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар томонидан олиб борилган археологик тадқиқот натижаларидан билишимиз мумкинки Бухоро воҳаси илк ўрта асрларда географик жойлашувига кўра Шарқ билан Ғарб мамлакатларини боғловчи савдо-иқтисодий ва маданий кўприк вазифасини бажариб келган. Шунинг билан бирга асрлар оша тарихий тараққиёт давомида водий ўзига хос ўринга эга бўлиб, юксак деҳқончилик маданияти, ривожланган хунармандчилик ва савдо-сотик марказларидан бири бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммаджонов А. Археология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2000. 434-435 бетлар.
2. Массон М. Е. Археологические исследования в Узбекистане. Наука в Узбекистане за 15 лет (1924-1939). Ташкент, 1939. С. 110-120.
3. Мирзаахмедов Ж.К., Одилов Ш., Пардаев М.Х., Максудов Р. Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар. Тошкент, 2002. Б.22.
4. Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зерафшанской археологической экспедиции Эрмитажа. ИИМК в 1939 г – ТОВЭ. Т.П.Л.: 1940
5. Нильсен В.А. Мечеть Деггаран в селенни Хазара (Архитектурно-археологический очерк). «Труды ИИА АН УзССР». Выпуск 7. Ташкент, 1955. С.61.
6. Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зерафшанской археологической экспедиции Эрмитажа. ИИМК в 1939 г – ТОВЭ. Т.П.Л.: 1940
7. Шишкин В.А. Археологические работ. 1937 года в западной части Бухарского оазиса. Тошкент, 1940.
8. Шишкин. В.А. Варахша. М., 1963. С.16.
9. Шишкин В.А. Археологические работы 1937 года в западной части Бухарского оазиса. Ташкент, 1940. С.5.
10. Шишкин В.А. Археологические работк 1937 года в западной части Бухарского оазиса. Ташкент.: 1940. С.9-27.
11. Василий Афанасьевич Шишкин как ученый-археолог и общественный деятель (к 70-летию со дня рождения). ИМКУ. Вып.6. Ташкент. 1965. С.5-17.
12. Шишкин В. Л. Исследование городища Варахша и его окрестностей. Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. Вып. X. М.-Л. 1941. С.3-16.
13. Шишкин В.А. Варахша. М., 1963. С.102-103.
14. Якубовский А. Ю. Зарафшанская археологическая экспедиция 1939 г. Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. Вып. IV. Издательство Академик Наук СССР. М.-Л. 1940. С.51-66.
15. Якубовский А. Ю. Зарафшанская археологическая экспедиция 1939 г. Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. Вып. IV. Издательство Академик Наук СССР. М.-Л. 1940. С.48-52.

16. Кесаев В. Н. Раскопки на Пайкенде в 1940 Г.//СГЭ. Л., 1948. № 4. С. 26-29.
17. Дьяконов М. М. Керамика Пайкенда//КСИИМК. Т. 28. М., 1949. С.89-93.
18. Кипарисова Н. П. Игрушка-водолей из Пайкенда//СА. М., 1949. № 10.. Кипарисова Н.П. Игрушка-водолей из Пайкенда.СА, X . 1948. стр. 310-316
19. Фан ва турмуш (Тошкент). №3-4; 1992. Б.8
20. Шишкин В.А. Археологические работы 1947 г. на городище Варахша.— «И АН УзССР», Ташкент, 1948.№5. С.62-70.
21. Шишкин В.А. Некоторые итоги археологических работ на городище Варахша (1947-1953 гг.) Труды Института истории и археологии Ташкент, Изд-во АН УзССР. 1956.С.10

**Улуғбек ОЧИЛОВ,
ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг
Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти
катта ўқитувчиси**

ДЕСТРУКЦИЯ ТУШУНЧАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Аннотация. Ушбу илмий мақола деструкция тушунчаси мазмун - моҳияти, талқин ва тадқиқига бағишланади. Инсон табиатидаги деструктив ҳолатлар, вайронкорлик, бировга зарар етказиш каби салбий ҳоллар бугунги глобаллашув даври нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Албатта, деструктив феъл-атвор инсон ҳаётининг туб бурилишида ёхуд кескин бир даврида тажовузкордан, салбий вазиятни кўзғовчи шахсдан ёхуд манбадан ҳимоя сифатида, шаклланган вазиятга акс-жавоб сифатида ёки ўз нафратининг очикча ифодаси сифатида намоён бўлади. Деструктив одамнинг хатти-ҳаракатлари атрофдаги инсонларни ажаблантиради, тушунмовчиликка олиб келади.

Шу нуқтаи назардан деструктив феъл-атворни чуқур таҳлил этилиб, унинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Деструкция, деградация, деструктив феъл, бузғунчилик, вайронкорлик, маънавий инқироз, тубанлик

Жамиятда баъзи одамлар тоифаси борки, доимо бирор нарса яратишга, янгилик қилишга ҳаракат қилишади, айримлар эса, аксинча, мавжуд нарса ёки ҳолатни йўқ қилишга интилади. Иккинчи турга мансуб одамлар нафақат бошқаларга, балки ўзларига ҳам зарар етказиши мумкин. Ижтимоий фанлар туркуми, жумладан психология соҳасида бу тушунча деструктив, яъни ҳалокатли ёки вайрон қилувчи хулқ-атвор, деб аталади. Деструкция тушунчаси инсоннинг муайян ҳаракатлар ёрдамида ўзига ва ўзгаларга жисмоний ёки маънавий зарар, шикаст етказиш маъносини билдиради. Деструктивлик инсонга тузатиб бўлмайдиган зарар келтиради, жисмоний жиҳатдан ўз-ўзини ёмон ҳис қилишига, ижобий фикрлаш ва бошқа одамлар билан муомала қилиш лаёқатсизлигига, шахснинг деградациясига, яъни ички маънавий бузилишига ва бирон янгилик ёхуд нарсани яратиш лаёқатсизлигига олиб келади.

Бузиш, вайрон қилишга интилиш инсоннинг ўзига ҳам, бошқа одамларга ҳам ҳамда бутун дунёга ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда инсон ўзи учун хавф-хатарни намоён этади, иккинчи ҳолатда эса атрофдаги кишилар, муҳит учун

“ПАЁМИ ДОНИШКАДА”, “АНВОРИ ИЛМ”, “ТАФАККУРИ ТАЪРИХ”. НАШРИ МУШТАРАК, 2023 №№-1-2-3.

	доктори (PhD)		
24.	Очилов Алишер Тўлис ўғли Бухоро давлат университети доценти, Самарқанд археология институту кичик илмий ходими, т.ф.ф.д. (PhD) Аббосов Аббосали Зарифович – Бухоро давлат университети магистранти	БУХОРО ВОҲАСИНИНГ АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИНИ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 30-40 ЙИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МИСОЛИДА)	114
25.	Очилов Улугбек, ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси	ДЕСТРУКЦИЯ ТУШУНЧАСИ МАЗМУН- МОҲИЯТИ	119
26.	Очилова Гулмира Мардоновна, т.ф.ф.д. (PhD), Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ходими	ПЎЛАТ СОЛИЕВНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ ТОЖИКИСТОН” АСАРИДА XX АСР БОШИ ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	122
27.	Очилова Меҳринисо Илхомовна док.и.фил., дотсенти кафедраи забонҳои форси ва чинӣ, МДТ «Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Б.Ғафуров»	МАВЗЎИ ВАТАН ВА ВАТАНДЎСТЇ ДАР АШЪОРИ АБУЛҚОСИМ ЛОХУТЇ	127
28.	Пардаев Асрор Каршинский государственный университет Кафедра Всемирной истории доцент, к.и.н.	ПОЛОЖЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В КАШКАДАРЬИНСКОМ ОАЗИСЕ (НА ПРИМЕРЕ 1986-1990 ГОДОВ)	133
29.	Пардаев Тошкенбой Ражабович, Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари доктори	ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТОДАГИ АҲВОЛ	136
30.	Петрусевич Аркадий Аркадьевич Доктор педагогических наук, профессор кафедры педагогики и психологии Таджикского педагогического института в городе Пенджикенте	РАЗВИТИЕ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ ВЫСШЕЙ ШКОЛЫ	143
31.	Примова Венера Мусурманкуловна Преподаватель «Русского языка» в University of science and technologies	«АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА КАК ИНОСТРАННОГО»	149
32.	Рабиев Сагторбердӣ Мавлонбердиевич кандидат педагогических наук, доцент ГОУ «Худжандского государствен ного университета имени академика Бободжона Гафурова». Каримов Илхом Исмаилович кандидат педагогических наук, доцент ГОУ «Худжандского государствен ного университета имени академика Бободжона Гафурова».	РАЗВИТИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ СТУДЕНТОВ СРЕДСТВАМИ ЛИТЕРАТУРНОЙ ИГРЫ	152
33.	Ражабов Қаҳрамон Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор	ТУРКИСТОНДА 1916 ЙИЛИ МАРДИКОРЧИЛИККА ҚАРШИ ҚЎТАРИЛГАН УМУМХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ (ЖИЗЗАХ, ХЎЖАНД, ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ)	158